

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ГУЛЧЕХРА АЛМАРДОНОВНА

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГЕПАТИТДА ДАРМОНАЛ ВА ФИТИН
БИРИКМАЛАРИНИ ЖИГАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Каримова Гулчехра Алмардоновна

Экспериментал гепатитда дармонал ва фитин
бирикмаларини жигар фаолиятига таъсири..... 3

Каримова Гулчехра Алмардоновна

Влияние дармонала и соединений фитина на функциональное
состояние печени при экспериментальном гепатите..... 25

Karimova Gulchekhra Almardonovna

Effect of darmonal and phytin compounds on liver
function in experimental hepatitis..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА ГУЛЧЕХРА АЛМАРДОНОВНА

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ГЕПАТИТДА ДАРМОНАЛ ВА ФИТИН
БИРИКМАЛАРИНИ ЖИГАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tib1093 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аминов Салахитдин Джураевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Даминова Лола Тургунпулатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аллаева Мунира Журакуловна
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат
тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда инсонларнинг «...барча соматик касалликлари орасида келиб чиқиши турлича бўлган жигар зарарланишлари кенг тарқалган бўлиб, етакчи ўринлардан бирини эгаллайди...»¹. Бу унинг оксил, липид ва карбонсувлар алмашинувида марказий ўрин тутиши, шунингдек организмга мунтазам тушиб турувчи ҳамда метаболизм жараёнида ҳосил бўлувчи ёт моддаларни зарарсизлантириши ва тўсиқ вазифасини бажариши билан боғлиқ. Турли омиллар таъсирида «...гепатоцитларда ривожланадиган структур-функционал ўзгаришлар, уларда синтетик жараёнларни сусайиши, моддалар алмашинуви жараёнларининг ўзгариши, жигарнинг зарарсизлантириш фаолиятини пасайиши, организмнинг биологик суяқликларида эндо- ва экзобиотикларнинг тўпланиши, эндотоксинемия ривожланиши аъзо ва тўқималар фаолиятларини етишмовчилигига сабаб бўлади, бу эса асосий касалликнинг кечишини янада оғирлашишига олиб келади...»². Шу сабабли жигар функционал фаолияти бошқарув механизмларини молекуляр даражада баҳолаш ва уни токсикантлар таъсирига метаболик мослашув жараёнларини ўрганиш замонавий экспериментал ва клиник гепатологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда жигарнинг репаратив регенерациясини фаоллаштириш, унинг синдромларини камайтириш ва фиброзланиш жараёнларини олдини олишга қаратилган дори воситаларни яратишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада янги маҳаллий ўсимлик дори воситаларини турли ўткир токсик гепатит моделларида ривожланган асосий жигар синдромларини: цитоллиз, холестааз, мезенхимал яллиғланиш ва жигар-хужайра етишмовчилигини даволаш самарадорлигини оширишдан иборат. Бу борада тиббиётда арзон, токсик хусусиятларга эга бўлмаган, юқори сифатли, импорт ўрнини босувчи ва самарадорлиги юқори бўлган маҳаллий хом ашёлардан олинадиган гепатопротектор дори воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш катта аҳамиятга эга.

Республикамизда бугунги кунда фармацевтика соҳасидаги ислохотлар натижасида шифобахш ўсимликларни фармакологик ўрганиш, улар асосида жигар касалликларини даволашда қўлланиладиган самарали дори воситаларни ишлаб чиқиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Фармацевтика саноати махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баравар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини ошириш»³ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада, маҳаллий хомашёлардан олинган дори воситаларини текшириш ва жигар касалликларида қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Глобальный доклад ВОЗ о гепатите 2017 г. www.who.int/hiv/topics/hepatitis/ru/

² Trepo, Christian . "A brief history of hepatitis milestones". Liver International. 34 (Supplement s1): 29–37.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон «2022-2026 йилларда республикамизнинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон «Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларни уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик тадқиқотчилар томонидан жигар касаллигининг молекуляр механизмлари, репаратив регенерация жараёнларини фаоллаштирувчи турли хил дори воситалар яратиш, биологик фаол моддалардан, шу жумладан унган майсалардан дори воситалари олиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган ва уларни биологик фаоллиги аниқланган. Ушбу соҳадаги илмий янгиликлар хорижлик тадқиқотчилар Shashank Kumar, Abhay K. Pandey (2013), Stefan Mauss, Thomas Berg (2017), Abdur Rauf, Seema Patel (2018), Saima Naz (2018), Haoan Zhao (2018), Alireza Rezaee-Khorasany (2019) ва бошқалар томонидан жадал ривожлантирилган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида токсик ва вирусли гепатитларда ҳужайраларнинг программалашган ўлими, интерлейкинлар, ген экспрессиясини ортиши, каспаза 8 ген экспрессиясига нисбатан тез содир бўлиши, мембраналарни емирилиши, гепатоцитлар деструкциясини ошириш қонуниятлари В.Н. Козько, Э.П. Яковенко (2011), В.Ф. Учайкин (2012), С.С. Вялов (2018), Н.Д.Ющук (2018), Ройтберг Г.Е., Струтынский А.В. (2020) ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Жигар касалликларини даволашда ўсимликлардан ташкил топган гепатопротекторлар кўп бўлишига қарамасдан, ушбу касалликларни даволашда бир қатор ноқулайликлар бўлганлиги сабабли янги турдаги универсал ва комплексли дори воситаларини ишлатиш ва замонавий даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Жумладан, В.Е. Новиков, Е.И. Климкина (2005), О.М. Ипатовой (2005), А.И. Венгеровский (2006), Л.П. Галактионова и О.В. Азарова (2012), Ю.С. Тараховский, Ю.С. (2013), Н.С. Белоусова (2016), Я.Ф. Зверев (2017, 2019) ва бошқалар турли хил ўсимликлардан гепатопротекторларни ажратиб олиш ва тиббиётда қўллаш билан шуғулланишган.

Кейинги йилларда юртимизда Азизова С.С. изланишлари фитин ва кобафитинни гепатопротектор таъсирини кўрсатди (1994). К.С.Махмуджонова, С.А.Каримова, А.А. Махмудовлар томонидан маҳаллий ўсимликлардан биотехнология усулида сервитамин дориларни буғдой, арпа, шоли, мош ва ловия каби дуккакли ва бошоқли ўсимликлардан олиш мумкинлигини кўрсатди. Ноқулай шароитда ундирилган дон хужайраларида чуқур биологик жараён кетиб, бунда жуда катта кучга эга бўлган мураккаб биофаол моддалар ҳосил бўлади. Ана шу ҳосил бўлган биоорганик бирикмаларнинг энг кўп бўлган даврида ажратиб, махсус технология асосида тайёрланган сумалак ўз таркибида турли динамик ҳолатга ўтган макро- ва микроэлементлар, ҳамда витаминлар мажмуасини сақлайди. Ҳозирги кунда ундирилган буғдойнинг қуруқ экстрактини олиш усулини ишлаб чиқилди. Махмуджонова К.С. (2003), Каримова С.А. (2002) уни гериатрияда тетиклантирувчи, қариликни олдини олувчи дори воситаси сифатида ишлатилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институти ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти олимлари томонидан ундирилган буғдойдан ажратиб олинган Дармонал экстракти, ўзининг шифобаҳшлиги, метаболик жараёнларни фаоллаштирувчи, гериатрияда дармонсизликни бартараф қилувчи хусусиятларга эга. Аммо унинг антигипоксанти, антиоксиданти ва мембраностабилизатор хоссалари исботланмаган, уларнинг гепатопротекторлик, яллиғланишга қарши, хужайра мембранаси деструкцияси ва апоптозга қарши таъсир механизми бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Бундай тадқиқотлар янги ўсимлик гепатопротекторларини ишлаб чиқиш ва самарали даволашни йўлга қўйиш учун жуда муҳим ҳисобланади. Улар каби янги дори воситаларни яратиш, гепатопротектив таъсир механизмларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш нафақат маҳаллий дори воситалар кўламини кенгайтиради, балки клиник амалиётга кенг кириб боришига олиб келади.

Диссертацион мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг №01980006703 илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш» (2019-2023 йй.) мавзусидаги амалий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади экспериментал гепатитнинг турли тажриба моделларида буғдойнинг янги униб чиққан майсаларидан олинган Дармонал экстракти, ҳамда фитин ва унинг бирикмаларини фармакологик таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ундирилган буғдой дони хужайраларидан ажратиб олинган экстрактни ўткир токсик таъсирини аниқлаш;

дармонал, ҳамда дармонални фитин ва унинг бирикмалари билан биргаликда, токсик гепатит моделларида (тетрахлорметан ва парацетамол)

қўллаганда цитоллиз, холестааз, жигар-хужайра етишмовчилиги ва мезенхимал яллиғланиш синдромлари кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

дармонал, ҳамда дармонални фитин ва унинг бирикмалари билан биргаликда токсик гепатитда қўллаганда, жигардаги гликоген ва сут кислота миқдорига, ҳамда детоксикация жараёнларига таъсирини баҳолаш;

дармонал, ҳамда фитин ва унинг бирикмалари билан биргаликда токсик гепатитда қўллаганда, сафро ҳосил қилиш ва ажратиш жараёнларига таъсирини ўрганиш.

дармонал, ҳамда уни фитин ва унинг бирикмалари билан биргаликда токсик гепатитда қўллаганда, сафро таркибий қисмларига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институтида ундирилган буғдойдан ажратиб олинган дармонал, дармонал А, шу институт олимлари томонидан синтезланган фитин, фитат-кобальт ва фитин-С, ҳамда қиёсий стандарт гепатопротектор Лив.52 препарати, интакт, тетрахлорметан ва парацетамол билан чақирилган ўткир гепатитли каламушлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳайвонларнинг қони ва қон зардоби, сафро материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда токсикологик, фармакологик, биокимёвий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дармонал – махсус шароитда ундирилган буғдой донидан олинган экстракт бўлиб, таркибида аминокислоталар, оқсил, витаминлар, макро- ва микроэлементларидан иборат бўлиб, захарсизлиги бўйича дори воситаларнинг V синфига мансублиги исботланган;

ўткир токсик гепатитни даволашда Дармонал 100 мг/кг миқдорда ва уни фитин-С билан биргаликда қўллаш цитоллиз, холестааз синдромлари ривожланишини олдини олиши аниқланган;

ўткир токсик гепатитни даволашда Дармонал 100 мг/кг миқдорда ва уни фитин-С билан биргаликда қўллаш жигар-хужайра етишмовчилиги ва мезенхимал яллиғланиш синдромлари ривожланишини олдини олиши, гликогенолиз ва анаэроб гликолиз жараёнларини пасайиши, детоксикация жараёнларини тиклаши ва гепатоцитларнинг синтезловчи функциясини фаоллаштириш хусусиятлари аниқланган;

дармонал ва уни фитин-С билан биргаликда ўткир токсик гепатитни даволашда қўллаш жигарда ўт кислоталар синтези ва ресинтезини, сафро ҳосил қилиш ва ажратиш функцияларини, холестерин ва билирубин эскрециясини фаоллаштириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дармонал экстракти гепатитларда кузатиладиган цитоллиз, холестааз, жигар-хужайра етишмовчилиги ва мезенхимал яллиғланиш синдромларини олдини олади, жигарнинг синтетик ва детоксикацион функцияларини тиклаши, анаэроб оксидланиш жараёнларини сусайтириши, натижада

жигарнинг функционал-метаболик кўрсаткичларини тикланиши исботланган;

дармоналнинг холеретик хусусияти исботланган; бу модда жигарнинг сафро ҳосил қилиш ва ажратиш функцияларини тикланишига, холестерин ва билирубин экскрециясини жадаллашишига, ўт кислоталар синтези ва ресинтезини, гидроксилланиш ва конъюгатлар ҳосил бўлишини кучайтириши исботланган;

дармоналнинг гепатопротекторлик хусусияти фитин-С билан биргаликда қўлланилганда яна ҳам кучайиши, аммо холеретик хусусияти монотерапияда устунлиги аниқланган;

дармоналнинг гепатопротекторлик ва холеретик хусусияти қиёсий препарат Лив.52 дан қолишмаслиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган токсикологик, фармакологик, биокимёвий ва статистик усуллар; халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ишончлилиги мутахассислар фикри, ҳамда халқаро ва республика конференцияларида муҳокамаси билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги дармонал экстрактини гепатопротектор хусусиятини аниқлаш, уларнинг антиоксидант, мембраностабилизатор, жигарнинг детоксикация жараёнларини фаоллаштируви, яллиғланишга қарши, ҳамда сафро ҳосил қилиш ва ажратиш таъсир механизмларини ёритиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўткир гепатитларни даволашда дармонал ва фитин С дори воситаларининг самарадорлигига асосланди. Дармонал экстракти холестаза жараёнини бартараф этишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади. Олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Дори воситалар ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасига бу бирикмани тақдим этиш учун асос бўлади. Ушбу дори воситасини клиник амалиётга жорий этиш жигар касалликларни даволаш самарадорлигини ошириши, сарф-харажатларни камайтириши ва импортни камайтирувчи хусусиятига эга эканлиги билан изоҳланади. Импорт ўрнини босувчи ушбу препаратнинг яратилиши Республикада дори воситаларини маҳаллийлаштириш дастурини бажаришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дармонал субстанциясини экспериментал гепатитда лаборатория ҳайвонларида жигар фаолиятига таъсирини баҳолаш асосида:

«Экспериментал гепатитда Дармонал субстанциясининг жигар фаолиятига таъсири» мавзусидаги услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган. Мазкур услубий тавсиянома турли этиологияли жигарнинг токсик

захарланишида маҳаллий дори воситаларнинг фаоллигини баҳолаш ва жигар касалликларини самарали даволашни ошириш имконини берган;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Академик С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти фармакология, токсикология лабораториясининг амалиётига татбиқ этилган (ЎзРФА Ўсимлик моддалари кимёси институти 2023 йил 1 июндаги 04/02-27 сонли буйруғи); ҳамда тадқиқот ишлари натижасида нутрицевтика воситаси “Дармонал” гуруҳи капсулалари ишлаб чиқариш Тошкент вакцина ва зардоб илмий тадқиқот институти режасига киритилган 2023 йил 13 июндаги №16-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган.

Олинган натижаларни тиббиёт амалиётига татбиқ этилиши, экспериментал гепатитда дармонал субстанциясини жигар фаолиятига таъсирини ўрганиш, жигар касалликларини даволашни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, таҳлил, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари асосланган, ўрганиш объекти ва мавзуси тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигар касалликлари тарқалиши, патогенези ва замонавий гепатопротекторлар тавсифи (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳида жигар касалликларини тарқалиши, патогенези, фармакотерапияси, асоратлари, Ўзбекистонда маҳаллий ўсимликлардан ажратиб олинган биологик фаол бирикмаларнинг гепатопротекторлик ва сафро хайдовчи хусусиятлари тўғрисидаги замонавий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган,

муаммонинг очилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Дармонал моддалари ва фитин бирикмаларининг қисқача таърифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида олдинга қўйилган мақсад ва белгиланган вазифаларга кўра тадқиқотда қўлланилган материал ва методларнинг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган. Дармонал – махсус шароитда ундирилган буғдой донидан олинган экстракт (ГОСТ 7169-66). Дармонал субстанциясини олишнинг 2 усули ишлаб чиқилган: ундирилган буғдой майсаларини сувли экстракцияси ва уни қуритиш; янчилган майсаларни қуритиш. Иккала усулда тайёр маҳсулотни чиқиши 25-27% ва 85-87%ни ташкил қилди. Унинг таркибида аминокислоталар, оксил, макро- ва микроэлементлар, ҳамда витаминлар ва ферментлар фаоллиги аниқланган. Дармонал субстанциясини технологик хоссалари ўрганилди ва олинган натижалар асосида 6 хил дори воситаси: гранула ҳамда 5 хил таркибли таблеткалар технологияси яратилди. Дармонал грануласи 2 хил: умумий қабул қилинган ва махсус усулда олинган. Фитин-С препарати сувли эритма бўлиб, фитинни (ўсимликлардан олинган органик фосфат кислотани калций ва магний тузларидан иборат) аскорбин кислотаси билан комплекс бирикмаси. Солиштирама Лив.52 препарати турли ўсимликларнинг (оқ эклипт, филантус нирури, тармоқланган берхавия, тиноспора, турп, доривор эмблика, цейлон свинчаткаси, смородинали эмбелія, терминалия хебула, доривор дымьянка) буғланган экстракти ҳисобланади, гепатопротектор, антитоксик, яллиғланишга қарши, сафро хайдовчи, антиоксидант, антианорексик таъсир кўрсатади. Дармоналнинг ўткир токсик таъсирини ўрганиш уни зарарсиз бирикмалар синфига (дори воситаларнинг V синфига) киритиш мумкинлигини кўрсатди.

Тажрибалар “Тажриба ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш Европа конвенцияси”га (Страсбург, 1985) мувофиқ ЎзР ФА Биоорганика институти фармакология лабораториясида шартнома асосида бажарилди. Ўткир токсик гепатитнинг 2 моделида: тетрахлорметан (CCl_4) (1-чи серия) ва парацетамол (2-чи серия) моделларида ўтказилди. Мақсадни амалга ошириш учун вазни 150-200 г бўлган 210 та оқ каламушларнинг тери остига тетрахлорметаннинг 50% ли ёғли эритмасидан 0,8 мл/100 гр вазнига 4 кун мобайнида юборилиб, уларда жигарни ўткир токсик шикастланиши (ЖЎТШ) Абдуллаев Н.Х. ва Каримов Х.Я. (1989) услуби бўйича чақирилди, қолганлари интакт каламушлар. Дори моддалар касалликни олдини олиш мақсадида гепатотоксин тетрахлорметан билан бир вақтнинг ўзида қўллаб уларнинг таъсири ўрганилди. Ҳайвонлар 10 гуруҳларга бўлинди: 1-чи 10 интакт соғлом оқ каламушларга тажрибалар давомида оғиз орқали дистилланган сув юбориб турилди; 2-чи – назорат гуруҳи ($CCl_4 + H_2O$); 3-чи - $CCl_4 +$ Дармонал 10 мг/кг; 4-чи - $CCl_4 +$ Дармонал 100 мг/кг; 5-чи - $CCl_4 +$ Дармонал А 100 мг/кг; 6-чи - $CCl_4 +$ Фитин-С 100 мг/кг; 7-чи - $CCl_4 +$ Дармонал 100 мг/кг + Фитат-кобальт 200 мг/кг; 8-чи - $CCl_4 +$ Дармонал 100 мг/кг + Фитин-С 100 мг/кг; 9-чи - $CCl_4 +$ Дармонал 100 мг/кг + Фитин 100

мг/кг; 10-чи гуруҳга - СС₁₄+Лив.52 100 мг/кг дан юборилди. Текширилаётган моддалар найча ёрдамида 10 кун давомида оғиз орқали юборилди. Ҳар бир тажриба гуруҳларида 6-8 тагача оқ каламушлар устида текширишлар олиб борилди.

Дори воситали ўткир токсик шикастланиш (ДВЖЎТШ) 30 та каламушлар ошқозонига 500 мг/кг миқдорда парацетамолни 2 кун юборилиши билан чақирилди. Дори воситалар: Дармонал, Фитин-С ва солиштирма гепатопротектор Лив.52 ДВЖЎТШ модели яратилгандан сўнг 7 кун давомида 100 мг/кг миқдорда зонд орқали ошқозонга юборилди. Тадқиқот давомида каламушларнинг ўлими кузатилмади. Ҳайвонлар 6 гуруҳларга бўлинди: 1-чи 10 интакт соғлом оқ каламушларга тажрибалар давомида оғиз орқали дистилланган сув юбориб турилди; 2-чи – назорат гуруҳи (парацетамол+Н₂О); 3-чи - парацетамол+Дармонал 100 мг/кг; 4-чи - парацетамол+Фитин-С 100 мг/кг; 5-чи - парацетамол+Дармонал 100 мг/кг+Фитин-С 100 мг/кг; 6-чи гуруҳ – Лив.52 100 мг/кг. Текширишлар 3 серияда ўтказилди: 1-чи серияда қон зардоби ва жигарда биокимёвий текширувлар олиб борилди; 2-чи серияда жигарнинг фармако-метаболик функцияси гексенал уйқу давомийлиги бўйича текширилди; 3-чи серия ҳайвонларида жигарни ўт-сафро хосил қилиш ва ажратиш функцияси ўрганилди. Аналитик текширувларни стандарт шароитда махсус стандартлашган ва сифат назоратидан ўтган реагентлардан фойдаланган ҳолда олиб бордик. Текширувлар махсус автоматлаштирилган ускуналарда олиб борилди. Бу эса ҳатоликларни ва инсон омилини камайишига олиб келди. Тадқиқотлар учун веноз қон «HumaTubeSerumC/A» фирмасининг биокимёвий ва иммунофермент текширувлар учун мўлжалланган махсус вакутайнерларга олиниб, биокимёвий текширувлар «DIRUI CS-T240» (DIRUI INDUSTRIAL CO., LTD, КНДР) фирмасининг автоматлаштирилган биокимёвий анализаторида «GYPRESS DIAGNOSTICS» (Бельгия) фирмасининг тест-системаларидан фойдаланиб олиб борилди. Гемолизланмаган қон зардобида: глюкоза, умумий оксил, альбумин миқдори, умумий билирубин, GOT (AST), GPT (ALT), сийдикчил миқдори, умумий холестерин, миқдори аниқланди.

Ўткир тетрахлорметанли ва парацетамолли гепатитда дори моддаларнинг охириги миқдори юборилгандан сўнг ҳайвонларда енгил эфир наркози остида тезда декапитация қилинди ва уларнинг ички аъзолари ажратиб олиниб жигар тўқимаси гомогенатида гликоген ва сут кислотаси миқдори аниқланди. Жигарнинг детоксикация функцияси гексенал уйқу давомийлиги усулида аниқланди; жигарнинг ташқи секретор функцияси (сафро ажралиши, миқдори, таркиби); холестатик синдром кўрсаткичлари (сафрода билирубин, холестерин миқдори) аниқланди.

Олинган натижалар статистик қайта ишлаш ва расмларни чизиш OriginPro 7,5 (Microsoft, USA) таҳлил амалий дастурлари пакетини қўллаган ҳолда статистик ишлаб чиқилди.


Диссертациянинг «Дармонал ва фитин бирикмаларини тетрахлорметан билан чақирилган токсик гепатитда жигарнинг функционал-метаболик кўрсаткичларига таъсири натижалари» деб номланган учинчи бобда ЖЎТШ янги дори воситаларнинг жигарнинг функционал ҳолатини тиклашда самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар интакт гуруҳ ҳайвонларида гексенал билан чақирилган уйқуни давомийлиги $52,86 \pm 3,69$ дақиқани ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳидаги ҳайвонларда уйқунинг давомийлиги 1,81 маротаба ортиб $95,80 \pm 1,93$ дақиқагача узайган, бу эса цитохром P-450 тизими фаолияти кескин пасайганидан далолат беради. Дармонал экстрактини ЖЎТШ ҳайвонларга 10 ва 100 мг/кг миқдорда юбориш гексенал уйқу давомийлигини 1,28 ($P < 0,05$) ва 1,47 маротаба қисқартирди. Дармонал А ижобий таъсири кучсизроқ бўлди, ammo Дармонал экстрактини фитат-кобальт, фитин-С ва фитин билан биргаликда қўлланилганда гексенал уйқу давомийлиги 1,47; 1,58 ва 1,4 маротаба қисқарганлиги кузатилди. Лекин шуни айтиш керакки бу гуруҳ ҳайвонлардаги кўрсаткичлар интакт ҳайвонлар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишонарли фарқланди. Солиштирма препарат Лив.52 бу кўрсаткични 1,43 маротаба қисқартирди, интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,27 маротаба узайганлигича сақланиб қолди.

Маълумки, микросомал оксидланиш ферментлари фаоллиги глюкоза-6-фосфатни пентозафосфат йўлида оксидланишига ва гликоген миқдорига боғлиқ. Шунинг учун биз тажрибадаги ҳайвонлар жигарида гликоген миқдорини аниқладик. Интакт ҳайвонлар жигарида гликоген миқдори $49,17 \pm 0,81$ мг/гр га тенг. ЖЎТШ чақирилган ҳайвонларда бу кўрсаткич $27,66 \pm 1,05$ мг/гр пасайди. ЖЎТШ Дармонал 10 ва 100 мг/кг миқдорда даволаш жигардаги гликоген миқдорини $31,27 \pm 0,88$ ва $40,07 \pm 1,01$ мг/гр оширди. Дармонал А экстрактини юборилиши жигардаги гликоген миқдорини $35,27 \pm 1,13$ мг/г ($P < 0,05$) оширди, Фитин-С билан биргаликда қўллаш эса $40,37 \pm 0,48$ мг/г ортиб меърий кўрсаткичларга яқинлаштирди. Дармонал экстрактини фитат-кобальт, фитин-С ва фитин билан биргаликда қўллаш жигардаги гликоген миқдорини ишонарли равишда $43,40 \pm 0,97$; $43,50 \pm 0,92$ ва $37,60 \pm 1,11$ мг/г гача кўпайишига олиб келди. Шуни айтиш жоизки, ЖЎТШ каламушларга Лив.52 ни 10 кун давомида юборилиши ҳам жигардаги гликоген миқдорини $40,65 \pm 0,66$ мг/г оширди.

Токсик гепатитда микроциркулятор ўзгаришлар ҳисобига тўқима гипоксияси ривожланади. Бу эса аэроб гликолизни сусайиши ва анаэроб гликолизни устун бўлишига олиб келади. Бу эса глюкозани кўп сарфланиши, гликогенолизни жадаллашиши билан тавсифланади. Бундай ҳолатда сут кислотаси миқдори ҳужайраларда ортиб кетади ва лактоацидоз ривожланади. Буларга асосланган ҳолда биз жигар тўқимасида сут кислотаси миқдорини аниқладик. Олинган натижалар ЖЎТШ жигарда сут кислота $1,47 \pm 0,20$ дан $5,02 \pm 0,62$ мкмоль НАДН/г гача кўтарилишига олиб келди. ЖЎТШ каламушларни Дармонал экстракти билан 10 ва 100 мг/кг миқдорда юбориш жигарда сут кислота миқдорини $3,58 \pm 0,39$ ва $2,03 \pm 0,12$ мкмоль НАДН/г камайтирди. Дармонал А экстрактини қўллаш сут кислота

миқдорини $2,93 \pm 0,38$ мкмоль НАДН/г гача пасайтирди. ЖЎТШ даволаш мақсадида Дармонал экстракти билан биргаликда фитат-кобальт, фитин-С ва фитин моддаларини каламушларга юбориш жигарда сут кислота миқдорини ишонарли равишда $1,73 \pm 0,057$; $1,78 \pm 0,079$ ва $2,34 \pm 0,13$ мкмоль НАДН/г гача пасайтирди. ЖЎТШ каламушларга Лив.52 ни 10 кун давомида юборилиши жигарда сут кислота миқдорини $2,17 \pm 0,076$ мкмоль НАДН/г гача камайтирди.



1-расм. Экспериментал гепатитда янги дори воситаларни жигардаги сут кислота миқдорига таъсири.

Дармонал экстрактини жигарнинг цитолитик синдром, холестази синдроми, мезенхимал-яллиғланиш синдроми ва жигар-хужайра етишмовчилиги кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш назорат гуруҳи ҳайвонларнинг қон зардобида АлАТ ва АсАТ интакт гуруҳ ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли равишда 2,06 ва 1,95 маротаба оширди. Бу эса каламушлар жигарида гепатоцитлар цитолизидан далолат беради. Дармонал экстрактини 10 ва 100 мг/кг миқдорда қўллаш АлАТ фаоллигини қон зардобида қисман пасайтирган бўлса, АсАТ фаоллигини ишонарли 1,41 ва 1,85 маротаба назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан камайтирди. Аммо Дармонал А экстрактининг таъсири сустроқ бўлди. Дармонал экстрактини фитат-кобальт, Фитин-С ва фитин дори воситалари билан биргаликда қўллаш цитолиз жараёнларини сусайишига олиб келди. Улар орасида энг самарали бўлиб дармонални Фитин-С препарати билан қўллашдир. ЖЎТШ ҳайвонларга Лив.52 ни юбориш гиперферментемияни пасайтириб, цитолитик жараёнларни камайишига олиб келди. Бунинг исботи сифатида АлАТ ва АсАТ ферментлари

фаоллигини назорат гурухи кўрсаткичларига нисбатан 1,85 ва 1,68 маротаба пасайишидир.

Маълумки, ЖЎТШ ташхисида ГГТ муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг фаоллиги АЛАТ ва АсАТ ферментларининг фаоллигини қон зардобидида кўтарилишидан олдин кузатилади. Ҳақиқатдан ҳам, ўткир токсик гепатитда ГГТфаоллиги қон зардобидида кескин 4,4 маротаба ортишини кўрсатди. Дармонал экстрактини ЖЎТШ ҳайвонларга 10 мг/кг ва 100 мг/кг миқдорда юборилганда фермент фаоллигини 1,83 ва 2,51 пасайтирди, дармонал А экстракти ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Дармонал экстрактини 100 мг/кг миқдорда фитат-кобальт, фитин-С ва фитин дори воситалари билан биргаликда ЖЎТШ ҳайвонларда қўллаш Дармоналнинг гепатопротекторлик фаоллигини кўп ҳам кучайтирмади. Қон зардобидида ГГТфаоллиги 2,51; 2,93 ва 2,26 маротаба пасайди ва $0,350 \pm 0,016$; $0,300 \pm 0,009$ ва $0,390 \pm 0,024$ мккат/ни ташкил этди, лекин меърий кўрсаткичларга яқинлашмади. Солиштириш учун олинган Лив.52 препарати ҳам қон зардобидида ГГТ фермент фаоллигини 2,51 маротаба пасайтирди. Қўлланилган янги Дармонал экстракти ўзининг гепатопротекторлик хусусияти жихатидан Лив.52 дан қолишмади, уни фитин-С билан биргаликда қўллаш янги дори модданинг самарадорлигини оширди.

Ишқорий фосфатаза асосан ўт йўллари шикастланишидан дарак беради, шунинг учун қон зардобидида унинг фаоллигини ортиши холестаза синдром борлигидан далолат беради. ЖЎТШ ҳайвонларнинг қон зардобидида ишқорий фосфатаза фаоллиги $1,20 \pm 0,23$ мкмоль/мл. соатдан $2,30 \pm 0,22$ мкмоль/мл.соатгача кўтарилди. Бу эса уларда холестаза синдроми ривожланганлигидан далолат беради. Дармонал экстрактини 10 ва 100 мг/кг дозада қўллаш ишқорий фосфатаза фермент фаоллигини $1,92 \pm 0,15$ ва $1,48 \pm 0,21$ мкмоль/мл.соатгача пасайтирди. Дармонал А экстрактини 100 мг/кг миқдорда қўллаганимизда холестатик синдромни камайиши сустроқ бўлди. Дармонал экстрактини фитат-кобальт, фитин-С ва фитин дори воситалари билан биргаликда қўллаш бу фермент фаоллигини $1,54 \pm 0,24$; $1,28 \pm 0,15$ ва $1,56 \pm 0,19$ мкмоль/мл.соатгача пасайтирди. Дармонал экстрактининг таъсири Лив.52 дан фарқланмади ва қонда ишқорий фосфатаза фаоллиги $1,47 \pm 0,18$ мкмоль/мл.соатгача пасайди.

Дори воситаларнинг жигар-хужайра синдроми ривожланишига таъсирини ўрганиш ЖЎТШ каламушлар қон зардобидида умумий оксил миқдори 1,35 ($P < 0,05$) маротаба камайди ва гипопропротеинемия ривожланганлигидан далолат беради. Дармонал экстрактини гепатитли каламушларга 10 ва 100 мг/кг миқдорда юборилиши қон зардобидида оксил миқдорини 1,11 ($P > 0,05$) ва 1,25 маротабага оширди ва меърий кўрсаткичларга яқинлашди. Дармонал А экстрактини 100 мг/кг миқдорда қўлланилганда эса биз ижобий ўзгаришларни кузатмадик. Фитат-кобальт, фитин-С ва фитин дори воситаларини Дармонал экстракти билан биргаликда гепатитли ҳайвонларга юборилганда қон зардобидида оксил миқдори 1,29; 1,32 ва 1,25 маротаба статистик ишонарли равишда кўтарилди ва меърий кўрсаткичларга яқинлашди. ЖЎТШ каламушларга Лив.52 ни юборилиши ҳам умумий оксил

миқдорини 1,23 ($P < 0,05$) маротаба назорат гуруҳига нисбатан оширди ва меёрий кўрсаткичларга яқинлаштирди.

Адабиётлардан маълумки, қон зардобидида умумий оксилни аниқлаш асосан жигар касалликлари дифференциал диагностикасида эмас, балки касаллик оғирлик даражасини аниқлашда ва даволаш тактикасини танлашда аҳамиятлидир. Жигар касалликлари ташхисида ва синдромларни тахлилида қон зардобидида оксил фракцияларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шу йўсинда ўтказилган тажрибалар ЖўТШ каламушлар қон зардобидида альбуминлар миқдорини кескин (1,83 маротаба) камайганлигини кўрсатди. Маълумки, альбуминларни 90% гепатоцитларда синтезланади. Гипоальбуминемия ҳайвонларда жигар-хужайра етишмовчилиги ривожланаётганлигидан далолат беради. Дармонал экстрактини 10 ва 100 мг/кг миқдорда қўллаш каламушлар қон зардобидида альбуминларни 1,13 ($P > 0,05$) ва 1,61 маротаба ошишига олиб келди. Дармонал экстрактини фитат-кобальт, фитин-С ва фитин билан биргаликда гепатитли каламушларга киритиш қон зардобидидаги альбумин миқдорини 1,67; 1,71 ва 1,52 маротаба оширди. ЖўТШ Лив.52 билан даволашда ҳам альбулинлар миқдори 1,53 маротаба ортди.

Демак, ЖўТШ даволашда Дармонал ва уни фитин-С билан биргаликда қўллаш самарали бўлиб жигар функцияларини тикланишига олиб келади. Қон зардобидида умумий оксил ва оксил фракциялари спектри тикланди. Бу эса каламушлар жигарида синтетик функцияни яхшиланишидан, яллиғланиш жараёнларини сусайишидан далолат беради.

«Дармонал ва фитин бирикмаларини парацетамол билан чақирилган токсик гепатитда жигарнинг функционал-метаболик кўрсаткичларига таъсири натижалари» деб номланган 4 чи бобда яратилган дориларни жигарни парацетамол билан зарарланишига таъсири келтирилган. Ўтказилган тадқиқотлар назорат гуруҳидаги ҳайвонларда уйқунинг давомийлиги 1,96 маротаба ортишини кўрсатди. Солиштирма препарат Лив.52 юборилиши гексенал билан чақирилган уйқу давомийлигини назорат гуруҳига нисбатан 1,53 ($P < 0,05$) маротаба қисқартирди, аммо интакт гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,28 ($P < 0,05$) маротаба узайганлигича сақланиб қолди. Дармонал экстрактини ДВЖўТШ ҳайвонларга юбориш гексенал уйқу давомийлигини 1,63 маротаба қисқартирди ва меёрий кўрсаткичларга яқинлаштирди. Дармонал экстрактини фитин-С билан биргаликда қўлланилганда бу гуруҳдаги ҳайвонларда гексенал билан чақирилган уйқу давомийлиги назорат гуруҳга нисбатан 2,05 маротаба қисқарганлиги кузатилди. Интакт ҳайвонлар гуруҳидан фарқланмади, Лив.52, дармонал ва фитин-С дори воситаларни алоҳида юборилган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,34 ($P < 0,05$); 1,25 ($P < 0,05$) ва 1,25 ($P < 0,05$) маротаба ишонарли фарқланди.

Гепатоцитларнинг функционал-метаболик ҳолатини баҳолаш мақсадида биз жигар шикастланиши синдромларини (цитолитик синдром, холестази синдроми, мезенхимал-яллиғланиш синдроми ва жигар-хужайра етишмовчилиги) ифодаловчи кўрсаткичларни каламушлар қон зардобидида

аниқладик. Олинган натижалар ДВЖЎТШ ҳайвонларнинг қон зардобида АлАТ ва АсАТ интакт гуруҳ ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли равишда 2,31 ва 3,38 мартаба ошди. Бу эса каламушлар жигарида гепатоцитлар цитолизидан далолат беради. Бизнинг тажрибаларимизда АсАТ нинг фаоллиги анчагина устун бўлди, бу эса гепатоцитларни оғир шикастланишидан ва митохондриял ферментнинг ҳам қонга чиқишига сабаб бўлди. ДВЖЎТШ ҳайвонларга Лив.52 ни юбориш гиперферментемияни пасайтириб, цитолитик жараёнларни камайишига олиб келди. Бунинг исботи сифатида АлАТ ва АсАТ ферментлари фаоллигини назорат гуруҳига нисбатан 1,81 ва 1,83 мартаба пасайишидир. Аммо уларнинг миқдори интакт ҳайвонлар гуруҳига нисбатан 1,28 ($P<0,05$) ва 1,85 мартаба юқориликча сақланиб қолди. АсАТни юқориликча сақланиб қолиши де Ритис коэффицентини ўзгартирмади ва бу митохондриял шикастланишлар сақланиб қолганлигидан далолат беради. Дармонал экстрактини ДВЖЎТШ каламушларга юборилиши гиперферментемияни кескин пасайтиради. Қон зардобида АлАТ ва АсАТ фаоллиги назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 2,1 ва 2,13 мартабага камайди ва интакт ҳайвонлар кўрсаткичларидан кўп ҳам фарқланмади. Дармонал экстрактини Фитин-С билан биргаликда қўллаш цитолиз жараёнларини сусайишига олиб келди. Жумладан, фитин-С билан қўлланилганда қон зардобида АлАТ ва АсАТ фаоллигини 2,14 ва 2,50 мартаба камайтирди. Бу гиперферментемия монотерапия ўтказилган гуруҳлар кўрсаткичларига нисбатан сезиларли пасайди ва меёридан фарқланмади.

1-жадвал

Экспериментал гепатитда Дармонал ва фитин бирикмаларини гепатоцитлар цитолизи синдромига таъсири, $M\pm m$

№	Тажриба гуруҳи	Ферментлар миқдори, U/L	
		АлАТ	АсАТ
1	Интакт	52,0±3,1	43,0±2,1
2	Контрол (назорат гуруҳи)	120±14,0*	145,2±16,4*
3	Парацетамол+Дармонал 100 мг/кг	57,0±2,1 *	68±5,4**
4	Парацетамол+Фитин-С 100 мг/кг	70,9±5,1 *	58±5,4*
5	Парацетамол+дармонал 100 мг/кг +фитин-С 100 мг/кг	56,0±2,1 *	55±4,4*
6	Парацетамол+Лив 52 100 мг/кг	66,3±2,8 *	79,5±6,3*

Изох: * – интакт гуруҳидаги ишонарли фарқи ($P<0,05$)

** - назорат гуруҳидан ишонарли фарқи ($P<0,05$)

Ўтказилган тажрибалар ДВЖЎТШ ҳайвонлари қон зардобида ГТТ фаоллиги 3,3 маротаба ошганини кўрсатди. Бу эса ҳайвонларда жигар ички холестази ривожланганидан далолат беради, чунки бу ферментнинг юқори фаоллиги ўт йўлларида эпителиал ҳужайралар мембранасида юқорилигини кўрсатади. ДВЖЎТШ ҳайвонларни Лив.52 билан даволаш қонда ГТТ фаоллигини 1,89 маротаба пасайтирган бўлсада, унинг фаоллиги интакт каламушлар қон зардобиди кўрсаткичлардан 1,75 маротаба юқорилигича сақланиб қолди. Дармонал экстрактини ДВЖЎТШ каламушларга юбориш қон зардобида ГТТ фаоллигини шу йўсинда ўзгартирди: даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,89 маротаба пасайтирган бўлсада, аммо меёрий кўрсаткичлардан 1,75 маротаба юқорилигича сақланиб қолди. ДВЖЎТШ фитин-С препаратини қўллаш қондаги ГТТ ферменти фаоллигини 1,78 маротаба пасайтирди. Лекин меёрий кўрсаткичлардан 1,85 маротаба юқори бўлди, Лив.52 препарати қабул қилган гуруҳ кўрсаткичларидан фарқланмади. Дармонал экстрактини фитин-С дори воситаси билан биргаликда даволаш ГТТ фермент фаоллигини 2,278 маротаба камайтириб $245,2 \pm 16,4$ U/L дан $88,3 \pm 4,6$ U/L гача пасайтирди. Бу гуруҳда энг яхши натижа олинди ва интакт каламушлар кўрсаткичларига нисбатан 1,5 маротаба юқорилигича сақланиб қолди. Бошқа гуруҳларга қараганда бундай комбинацияни ўткир токсик гепатитда қўллаш самарали бўлди.

Ўтказилган тажрибалар ДВЖЎТШ ҳайвонларнинг қон зардобида ишқорий фосфатаза фаоллиги 6,1 маротаба ошиб, интакт гуруҳ каламушларида унинг фаоллиги $40,2 \pm 2,8$ U/L ташкил қилган бўлса, парацетамол билан захарланишда фермент фаоллиги $245,2 \pm 16,4$ U/L гача кўтарилди. Бу эса ДВЖЎТШ ҳайвонларда кучли холестаз синдроми ривожланганидан далолат беради. ДВЖЎТШ ҳайвонларни Лив.52 билан даволаш қонда ишқорий фосфатаза фаоллигини 1,81 маротаба пасайтирди ва $135,3 \pm 13,6$ U/Lни ташкил қилди. Дармонал экстрактини юбориш қон зардобида ишқорий фосфатаза фаоллигини 2,31 маротаба пасайтириб $106,0 \pm 10,7$ U/L гача туширди. Аммо меёрий кўрсаткичлардан 2,64 маротаба юқорилигича сақланиб қолди. Дармонал экстрактини фитин-С дори воситаси билан биргаликда қўллаш холестаз жараёнини камайтиришда самарали бўлди. Жумладан, бу гуруҳ ҳайвонларда қон зардобидаги ишқорий фосфатаза фермент фаоллигини 2,78 маротаба камайтириб $245,2 \pm 16,4$ U/L дан $88,3 \pm 4,6$ U/L гача пасайтирди. Бу гуруҳда энг яхши натижа олинди ва меёрий кўрсаткичлардан 2,2 маротаба юқори бўлди. Холестаз синдроми бу гуруҳ ҳайвонларда фитин-С ва Дармонални алоҳида қўллашга қараганда самарали бўлди. Демак, Дармонални фитин-С препарати билан қўллаш холестаз ривожланишини олдини олар экан.

Юқорида қайд қилганимиздек, ДВЖЎТШ унинг метаболик функциясини бузилишига олиб келиши мумкин. Бунда асосан гепатоцитларда оксил синтезини издан чиқиши кузатилади. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ДВЖЎТШ каламушлар қон зардобида умумий оксил миқдори 1,5 ($P < 0,05$) маротаба камайди, бу эса гипопропротеинемия ривожланганидан далолат беради. ДВЖЎТШ каламушларга Лив.52 ни юборилиши умумий

оқсил миқдорини 1,34 ($P<0,05$) маротаба назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан оширди ва меёрий кўрсаткичларга яқинлаштирди. Дармонал экстрактини қўлланилганда қон зардобидаги умумий оқсил миқдори статистик ишонарли равишда 1,32 маротаба ($P<0,05$) ошди ва меёрий кўрсаткичларга яқинлашди. Фитин-С препарати ҳам оқсил синтезига ижобий таъсир кўрсатиб қон зардобида умумий оқсил миқдорини назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,28 ($P<0,05$) маротаба оширди, лекин меёрий кўрсаткичлардан бир оз паст бўлди. Фитин-С дори воситаларини Дармонал экстракти билан биргаликда ДВЖЎТШ ҳайвонларга юборилганида қон зардобида оқсил миқдори 1,48 маротаба кўтарилди ва меёрий кўрсаткичларга яқинлашди.

Жигарда кечадиган метаболик жараёнларни баҳолашда биз қон зардобида глюкоза миқдорини ҳам ўлчадик. ДВЖЎТШ ҳайвонларнинг қон зардобида глюкоза миқдори 1,53 маротаба ортиши кузатилди. Бизнинг фикримизча, бу жигарнинг гликоген захиралаш функциясини бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. ДВЖЎТШ Лив.52 билан даволашда ҳам қон зардобидаги глюкоза миқдorigа таъсир этмади, унинг миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларидан фарқланмади ва меёрий кўрсаткичлардан 1,58 маротаба юқориликча сақланиб қолди. Ўткир токсик гепатитни даволаш мақсадида Дармонал экстрактини қўллаш каламушлар қон зардобидаги юқори глюкоза миқдорини 1,55 маротаба камайишига олиб келди ва меёрлаштирди. Худди шундай ўзгаришлар Фитин-С препарати ва уни дармонал билан биргаликда қўлланилганда ҳам кузатилди.

